

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

АРИПОВ МАХАМАДЖОН ПУЛАТБАЕВИЧ

ТУРК ТИЛИДАГИ ТИЛАК, ОЛҚИШ ВА ДУОЛАРНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 811.512.161

ББК: 81.432

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Арипов Махамаджон Пулатбоевич

Турк тилидаги тилак, олқиш ва дуоларнинг лингвомаданий

ва лингвопоэтик хусусиятлари 3

Арипов Махамаджон Пулатбоевич

Лингвокультурные и лингвопоэтические особенности турецких
пожеланий, благословений и похвал..... 27

Aripov Makhamadjon Pulatbaevich

Linguocultural and Linguopoetic Features of Turkish wishes, blessings
and praises..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

АРИПОВ МАХАМАДЖОН ПУЛАТБАЕВИЧ

ТУРК ТИЛИДАГИ ТИЛАК, ОЛҚИШ ВА ДУОЛАРНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4.PhD/Fil1437 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tsuos.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Тилавов Абдумурод Халмуратович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лингвопоэтик жиҳатдан тўлиқ очиклаб берилмаган бир қанча мавзулар қаторида тилак / олқиш / дуолар лингвопоэтикаси, уларнинг миллий-маданий хусусиятлари, шаклий-мазмуний тузилишидаги ўзига хосликлар, хусусан, структур-семантик масалалари муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. XX асрда олқишлар ва қарғишларни ўзаро қиёслаб ўрганиш борасида жаҳон тилшунослигида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, ўзбек тилшунослигида қилинган ишларни ҳали етарли деб бўлмади.

Дунё тилшунослигида бир қатор миллий тиллар, хусусан, турк тилининг ўзига хослигини кўрсатишга хизмат қилувчи тилак / олқиш / дуоларни ҳам парадигматик, ҳам синтагматик жиҳатдан чуқур таҳлил этиш, уларнинг универсал ҳодиса сифатида шаклий ва мазмуний моделларини ўрганиш зарурати юзага келмоқда. Тилак / олқиш / дуоларнинг семантик-структур ҳамда лингвомаданий, лингвопоэтик, лингвоконцептуал ва когнитив-прагматик хусусиятларини ўрганиш ҳозирги тилшунослик олдидаги устувор йўналишлардан саналади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда рўй бераётган ислохотларнинг янги даврида қардош туркий халқлар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, турк халқи билан иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси давлат сиёсати даржасига чиқмоқда. 2017 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркия Республикасига расмий ташрифи ва Туркия Республикаси Президентининг 2018 йил май ойида Ўзбекистонга расмий ташрифлари доирасида илм-фан ва таълим соҳасида ҳам қўшма лойиҳаларнинг кенгайтирилишини таъминловчи бир қатор ҳужжатларнинг имзоланганлиги шундан далолат беради¹. Шу боис кейинги йилларда ўзбек шарқшунослигида туркшунослик масалаларини тадқиқ этиш етакчи соҳага айланмоқда. Хусусан, ҳозирги туркшунослик соҳаси бўйича қатор изланишлар амалга оширилди. Бироқ мавжуд тадқиқотларда тилак / олқиш / дуоларнинг юзага келиши, уларнинг семантик таҳлили, лингвопоэтикаси каби масалалар ўрганилган эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ–4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон – Туркия: Буюк тарих бунёд этган икки улўф халқ. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 27 апрель.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида тилак / олқиш / дуоларнинг турли халқлар маданиятида, миллий менталитетида қандай функция бажарганлиги ёритилган². Булардан ташқари, кўплаб китобларга тилак / олқишлар ҳақидаги боблар киритилган. Улардан баъзиларида тилак / олқишнинг умумий хусусиятлари берилган. Бир қатор чет эллик тадқиқотчилар тилак / олқишларнинг жамият маданиятида қандай прагматик функция бажаришини аниқлаш лозимлигини таъкидлаб келади³.

Шунингдек, кўплаб луғат ва энциклопедияларга ҳам тилак / олқишлар ҳақидаги маълумотлар ва намуналар киритилган.

Чет элларда тилак / олқиш / дуолар бўйича амалга оширилган ишлар, асосан, диншунослик соҳасига оид тадқиқотлар бўлиб, уларда тилак / олқиш / дуоларнинг диний моҳияти, социологик ва психологик хусусиятлари ҳақида умумий маълумотлар берилади⁴.

Турк тилидаги тадқиқотлар тарихига назар соладиган бўлсак, бу йўналишдаги ишлар, асосан, тил, адабиёт, маданият ва тарихшунослик соҳаларида бажарилган. Туркиянинг илмий марказларида тилак / олқишларнинг лингвомаданий ва лингвопоэтик хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар бажарилмаган. Мавжуд адабиётларнинг баъзилари фақат матн тўпламлари ва матн тузилишига кўра таснифлардан иборат, холос. Мавжуд тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ў.М.Ўғуз, М.Ағир ва Ш.Чақир томонидан тайёрланган тадқиқот «Олқишлар, қарғишлар ва аллалар» деб номланади ва унда Туркиянинг Чўрум вилоятида оғзаки нутқда кенг қўлланаётган олқиш, қарғиш ва аллалар йиғилган⁵. Ҳ.Эрсойлунинг ишида олқишлар ўрганилган, турк оғзаки маданиятида олқиш ва қарғишларнинг тутган ўрни ёритилган, шунингдек, уларнинг луғати ҳам келтирилган. Бу жиҳатдан ушбу ишда олқиш ва қарғиш сўзларининг маъноларини тушунтириб бергани билан ажралиб туради⁶.

²Hocking P. Counsel from the ancients. A study of Badaga proverbs, prayers, omens and curses. Berlin: Mouton de Gruyter, 1989; Watson L. Arae. The curse poetry of antiquity. Leeds: Francis Cairns, 1991; Gager J.G. Curse tablets and binding spells from the ancient world. New York-Oxford: Oxford University Press, 1999.

³Colum. P. A treasury of Irish folklore. - New York: Crown Publishers, 1954.

⁴Gevirtz. S. Curse motifs in the Old Testament and in the ancient Near East (Чоп қилинмаган докторлик диссертацияси). University of Chicago Department of Oriental Languages and Civilization, Illinois. Brichto, 1959; Chanan H. The problem of «curse» in the Hebrew Bible. Philadelphia: Society of Biblical Literature and Exegesis, 1963; Little L.K. Benedictine maledictions: Liturgical cursing in Romanesque France. Ithaca-London: Cornell University Press. Bitel, 1993; Lisa M. (2000). Saints and angry neighbors: The politics of cursing in Irish hagiography, 2000; Aitken, J.K. The semantics of blessing and cursing in ancient Hebrew. Louvain: Peters. Kitz, 2007; Marie A. Cursed are you! The phenomenology of cursing in cuneiform and Hebrew texts. Indiana:Eisenbrauns, 2014.

⁵Оғуз М., Үчал А., Мелтем Ҷ., С. Шейда. 2006 Yılında Çorum'dan derlenen alkışlar, kargışlar ve ninniler. - Ankara: Grafiker Yayınları, 2007.

⁶Ersoylu H. Türk dilince dualar beddualar sözlüğü. - Ankara: Ötüken Neşriyat, 2012.

Дўған Қоянинг китобида олқиш ва қарғишларга умумий баҳо берилган, таснифланган, замонавий турк адабиёти ва халқ шеърлятида тутган ўрни батафсил кўриб чиқилган. Мазкур тадқиқот шеърлий матнда қўлланган олқиш ва қарғишларга, тилак ва дуоларга эътибор қаратилгани билан диққатга молик саналади⁷.

Бу борада Я.Калафат ва Н.Баятлининг «Турк маданиятидаги олқишлар ва қарғишлар» номли асари алоҳида қимматга эга тадқиқот ҳисобланади⁸. Унда турк дунёсида, хусусан, турк халқ эътиқодида олқиш ва қарғишларнинг ўрни ёритилган.

2. Мазкур мавзу бўйича чоп қилинган оммабоп нашрлар. Масалан, Ҳ.Ақиннинг «Esenler'den Etiler'e Karşıyaka'dan Çankaya'ya il il semtlere göre dualar» китобида Истанбул, Анқара, Измир ва бошқа ҳудудларда қўлланадиган олқишлар, эзгу тилаклар ва баддуолар тўпланган⁹. Улар асосан, исломий мавзуда бўлиб, кундалик тилаклар ва олқишларни ўзида жамлайди.

Таъкидлаш ўринлики, турк тилшунослигида тилак / олқиш / дуоларнинг манбалари, мавзу гуруҳлари, бундай туркумлашнинг тамойиллари, юзага келиш йўллари етарли даражада ёритилса-да, бироқ уларнинг лингвомаданий ва лингвопоэтик моҳияти атрофлича очиб берилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқотлари режасининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшунослик назарий масалалари» ҳамда «Турк тилшунослигининг долзарб масалалари» йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турк тилидаги тилак, олқиш ва дуоларнинг лингвомаданий хусусиятлари, уларнинг умумий шаклланиш қонунияти, семантикаси, лингвопоэтик хусусиятлари, тузилиши ва моделларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

турк халқи олам лисоний манзарасида тилак, олқиш ва дуолар энг муҳим аксиологик бирлик эканлиги ҳамда асрлар оша бугунга қадар ўз аҳамияти ва мулоқотдаги ўрнини сақлаб келаётганини исботлаш;

тилак / олқиш / дуоларда қўлланган ўзига хос лексик қатлам, бадий санъатлар, матнда сўзларни қарама-қарши маъноларда қўллаш, параллеллик ва вариантликнинг лингво-стилистик табиати аниқланган ҳамда уларнинг таркибида келган рамзлар ва тимсоллар, поэтик маънолар, фольклор материалларининг лингвомаданий хусусиятларини далиллаш;

⁷Kaya D. (1994). Türk halk şiirinde ölüm sonrası dilekler. Milli Folklor Dergisi, №21, 1994. –S. 57-63.;

Kaya D. (1997). Dualar ve beddualar. Türklük Bilgisi Araştırmaları Dergisi, №4, –S. 99-121.; Kaya D. Alkışlar ve kargışlar (dualar ve beddualar). Türk dünyası edebiyatı tarihi içinde (3.Cilt, ss. 131-150). Ankara: AKMBY, 2003.; Kaya D. Anonim halk şiiri (2.Baskı). Ankara: Akçağ Yayınları, 2004; Kaya D. Anonim halk edebiyatı. Ansiklopedik Türk halk edebiyatı terimleri sözlüğü içinde (ss. 57-62). Ankara: Akçağ Yayınları, 2007. Kaya D. Dua. Ansiklopedik Türk halk edebiyatı terimleri sözlüğü içinde (ss. 261-271). Ankara: Akçağ Yayınları, 2007.; Kaya D. Sivas'ta salâvatlamalar. Milli Folklor Dergisi, №89, 2011, –S. 179-185.

⁸Kalafat Y., Bayatlı N.Y. Türk kültürlü halklarda alkışlar-kargışlar. Ankara: Berikan Yayınevi, 2011.

⁹Akın H. Esenler'den Etiler'e Karşıyaka'dan Çankaya'ya il il semtlere göre dualar. İstanbul: Akis Kitap, 2004.

тилак / олқиш / дуоларнинг халқ этнографияси билан боғлиқ миллий-маданий жиҳатлари, уларнинг юзага келишига сабаб бўлган лисоний ва поэтик омиллар ҳамда уларнинг халқ тафаккурида шаклланиши ва авлоддан авлодга ўтиш йўлларини исботлаш;

турк тилидаги тилак / олқиш / дуоларнинг халқ манавияти, удумларининг таркибий қисмига айлана бориши, тил тизимида юз берган стилистик, поэтологик жараёнлар ҳамда ушбу фольклор намуналарининг лингвомаданий ва лингвопоэтик имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини турк тилидаги тарихий, бадий ва илмий-оммабоп адабиётларда қайд қилинган ҳамда сўзлашувда фаол қўлланадиган тилак / олқиш / дуолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини турк тилидаги тилак / олқиш / дуоларнинг лексик-семантик, прагматик, лингвомаданий ва лингвопоэтик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда контекстуал таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш ҳамда қиёсий-семантик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

турк халқи олам лисоний манзарасида тилак, олқиш ва дуолар энг муҳим аксиологик бирлик эканлиги ҳамда асрлар оша бугунга қадар ўз аҳамияти ва мулоқотдаги ўрнини сақлаб келаётгани исботланган;

тилак / олқиш / дуоларда қўлланган ўзига хос лексик қатлам, бадий санъатлар, матнда сўзларни қарама-қарши маъноларда қўллаш, параллеллик ва вариантликнинг лингво-стилистик табиати аниқланган ҳамда уларнинг таркибида келган рамзлар ва тимсоллар, поэтик маънолар, фольклор материалларининг лингвомаданий хусусиятлари далилланган;

тилак / олқиш / дуоларнинг халқ этнографияси билан боғлиқ миллий-маданий жиҳатлари, уларнинг юзага келишига сабаб бўлган лисоний ва поэтик омиллар ҳамда уларнинг халқ тафаккурида шаклланиши ва авлоддан авлодга ўтиш йўллари исботланган;

турк тилидаги тилак / олқиш / дуоларнинг халқ манавияти, удумларининг таркибий қисмига айлана бориши, тил тизимида юз берган стилистик, поэтологик жараёнлар ҳамда ушбу фольклор намуналарининг лингвомаданий ва лингвопоэтик имкониятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларини ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг илмий асослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, ишончли манбалардан фойдаланилгани, аниқ муаммо қўйилиб, унинг ечими берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турк ва ўзбек тилларидаги тилак / олқиш / дуоларга тўлиқ таъриф берилган;

турк тилидаги тилак / олқиш / дуоларни тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар соҳа учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшунослик назарияси, лексикология каби фанлар бўйича яратиладиган фанлар ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

тадқиқот хулосалари ва методикасидан турк фольклори тадқиқида теологик, психологик, социологик, этнографик ва антропологик аспектдаги ишларда фойдаланиш мумкин.

турк тилидаги тилак / олқиш / дуоларнинг қиёсий таҳлили икки халқ дунёқарашидаги ўзига хослик, оламни идрок этишидаги ранг-баранглик ва ўхшашликни кўрсатишда муҳимлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турк тилидаги тилак / олқиш / дуоларнинг турли аспектларда тадқиқ этилгани, чиқарилган хулосалар тилшунослик назарияси, тилни система сифатида ўрганиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдириши ва кенгайтириши, тилакларни бошқа штамп ва қолип сўзлардан фарқлашда кўмак бериш, тилак / олқиш / дуоларнинг шаклланиши билан боғлиқ назарий қарашларни янада бойитиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юр்தларининг турк тили ва адабиёти, фольклоршунослик, шарқ халқлари маданияти, этнографиясини ўрганувчи соҳалар билан боғлиқ факультетларда турк тилидан амалий ва назарий дарс машғулотлари ўтказишда, ўзбек ва турк адабий алоқаларидан махсус курс ва семинарлар учун ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турк тилидаги тилак, олқиш ва дуоларнинг лингвомаданий ва лингвопоэтик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

турк тилидаги тилак, олқиш ва дуоларнинг турк фольклори, бадий тафаккури тарихидаги ўрни, жанр хусусияти, семантикаси, матн услуби ва структур хусусиятлари билан боғлиқ натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Dunyo bo‘ylab» телеканалида тайёрланиб, эфирга узатиладиган «Efirda biz» ва «Turizm tahlili» кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган («Dunyo bo‘ylab» телерадиоканалининг 2020 йил 8 июлдаги 08-14-182-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувларда берилган маълумот ва фактларнинг томошабинлар аудиториясига таъсирчан етиб боришига асос бўлган;

тилак, олқиш ва дуолар таркибида келган рамзлар, тимсоллар, поэтик маънолар, фольклор материалларининг лингвомаданий хусусиятлари изоҳланган ҳамда олқишларнинг халқ этнографияси билан боғлиқ миллий-маданий жиҳатлари, уларнинг юзага келишига сабаб бўлган лисоний ва поэтик омиллар, уларнинг халқ тафаккурида шаклланиши, авлоддан авлодга ўтиш йўллари ҳақидаги натижа ва хулосалардан “Турк миллий маданий маркази”да ташкиллаштирилган қатор илмий ва маърифий тадбирларда фойдаланилган (Турк миллий маданий марказининг 2020 йил 8 июлдаги 14-сон маълумотномаси). Натижада турк халқ этнографиясининг ўзига хослиги, тилак, олқиш ва дуолар маданиятлараро мулоқотларда ўз муҳимлигини сақлаб келаётганлигини кўрсатишга хизмат қилган;

тилак, олқиш ва дуоларнинг халқ манавияти, удумларининг таркибий қисмига айлана бориши, тил тизимида юз берган стилистик, поэтологик жараёнлар ҳамда ушбу фольклор намуналарининг лингвомаданий ва

лингвопоэтик имкониятлари билан боғлиқ натижалардан “Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА)”нинг илмий фаолиятида фойдаланилган (Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги Тошкент ваколатхонасининг 2020 йил 6 октябрдаги 085-сон маълумотномаси). Натижада ТИКА ташкилотининг турк адабиёти, фольклори ва маданияти билан боғлиқ илмий йиғинларининг мазмунан мукамал бўлишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 таси республика ҳамда 2 таси чет эл журналларида, шунингдек, республика ва университетда ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари тўпламларида бир қатор мақола ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва методлари белгиланган, диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти далилланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тилак / олқиш / дуолар халқ бадий тафаккурининг маҳсули сифатида**» деб аталган. Унда тилак / олқиш / дуоларни лингвистик тадқиқ этиш масалалари, уларнинг ижтимоий-эстетик функциялари, семантикаси, улар лингвомаданий бирликлар эканлиги ҳақида сўз боради.

Лингвомаданиятшунослик фанлараро интеграциянинг маҳсулидир. Д.Ашуров ўзининг «Алпомиш» достонининг лингвомаданий хусусиятлари тадқиқига бағишланган диссертациясида бу ҳақда шундай фикрни илгари сурган: «Лингвокультурология онтологик жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб икки соҳа – тилшунослик ва маданиятшунослик туташувидан вужудга келган. Уларнинг бирлиги бўлган тил ҳам, маданият ҳам ижтимоий фанларнинг асосий тушунчаларидандир. Ҳар иккиси ҳам инсон ҳаётининг барча жабҳаларини

қамраб олади. Маданият ва тил жуда кенг тушунча бўлгани учун уларга юзлаб таърифлар берилган»¹⁰.

Биз мазкур бобда турк тилидаги тилак / олқиш / дуоларнинг турк лингвомаданиятида қандай мазмун-моҳият касб этишини тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик.

Dilek (тилак) сўзи турк тилида энг қадимги даврлардан бери «олқиш» ва «қарғиш» маъноларини ифодалаш учун қўлланади. Эзгулик ва олқиш маъносида *iyi dilek* (яхшилиқ тилаш), ёмон ният билдириш, қарғаш ва баддуо маъносида *kötü dilek* (ёмонлик тилаш) бирикмаси ишлатилган. Баъзан мақтов маъносида «algıs / alka» қўлланган¹¹. Турк олими Усмон Жиложи Туркияда нашр этилган «Ислом энциклопедияси»га ёзган «Дуо» мақоласида шундай ёзади: «Бир мавзуда Аллоҳдан сўраладиган истак ва ниятларни ифода этадиган «дуо» сўзи «чақирмоқ, мурожаат, истамок, ёрдам сўрамоқ» маъноларидаги «даъват» ва «даъво» сўзлари каби масдардир ва «кичикдан улугга, пастдан юқорига йўналадиган талаб ва ниёз» мазмунидаги сўздир. Дуоларнинг асосий мақсади Аллоҳга арзи ҳол қилмоқдир»¹².

Бу тил бирликларининг ҳам ўз атамалари, терминологик тизими мавжуд. *Alkış sўзи* «Турк тилининг изоҳли луғати» («Türkçe sözlük»)да «бир нарсадан завқланганда, унга бўлган муносабатни ифодалаш учун қўлни бир-бирига уруш, олқишлаш, қарғишнинг қарама-қаршиси» маъноларида изоҳланади¹³. «Турк тилининг шевалар луғати»да («Türkiye Türkçesi ağızları sözlüğü») «хайр, дуо, яхши тилак» маъноларида изоҳланади¹⁴. Онадўли шевасида бугунги кунда ҳам *alkış / alhış / alkış* сўзи «хайр, дуо», «яхши тилак», «мадх», «дуо», «таъзим қилмоқ», «дуо қилмоқ» каби маъноларда қўлланади. Бу сўз билан алоқадор *alk(g)ış etmek / alkış eylemek / alkış vermek / alkış kılmak / alk(ğ)ışlamak* феъллари эса «яхши тилакда бўлмоқ», «дуо қилмоқ», «таъзим қилмоқ», «табрикламоқ» маъноларида келади¹⁵.

Мавзуга алоқадор тадқиқотлар, мақола ва рисолалар кўздан кечирилса, уларнинг катта қисми туркий халқларнинг яшаш тарзи, маданияти ва адабиётига сингиб кетган олқишлар ва қарғишлар масаласига қаратилганлиги кўзга ташланади¹⁶. Мазкур тадқиқотларда олқиш ва қарғишларнинг семантикаси ва функционал моҳияти ҳақида сўз юритилади. Турли тамойиллар асосида таҳлил

¹⁰Ашуров Д. «Алпомиш» достонининг лингвокультурологик хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. Наманган, 2021. –Б.14.

¹¹Gençtürk, İsmail (1962). Sorgun köyü ilenç ve övmeleri. *TFAD*, 7 (160), 2906.

¹²Osman Cilacı, «Dua», *İslam Ansiklopedisi*, C. 9, Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, 1992, s. 529.

¹³Türk Dil Kurumu Güncel büyük Türkçe sözlük (<http://www.tdk.gov.tr/#>)

¹⁴Türkiye Türkçesi ağızları sözlüğü. TDKTS, 2005b: 76

¹⁵<http://www.tdk.gov.tr/#>

¹⁶ERSÖZ, S. «Türkiye Türkçesinin Doğu Grubu Ağızlarında Bedduaların İşlevleri ve Cümle Yapıları Arasındaki İlişki». *Turkish Studies*, 2011, Volume 6/1, s. 1084-1100.; KIYMAZ A. B. «Kutadgu Bilig'de Dua ve Beddualar». I. Uluslararası Türk Dünyası Araştırmaları Sempozyumu Bildiriler Kitabı, Niğde Üniversitesi Kaşgarlı Mahmut Uygur-Çin Araştırmaları Merkezi. 2014; KUANIŞBAYEVA, A. «Kazak Kahramanlık Destanlarındaki Dua ve Beddualar». *Kastamonu Eğitim Dergisi*, 2002, Mart, C. 10, No: 1, s. 11-16.; Özmen, M. Alkış ve Kargışlarda Cümle ve Anlatım Özellikleri. *Türk Dili*, 2000, 585 s., -S. 280-293.; Cihan, A., Batur, E. B. Diyarbakır Bedduaları. E. G. Naskali (Ed.). *Lanet Kitabı*. İstanbul: Kitabevi Yayınları, 2009, –S. 273-289.; Kaya D. (1997). Dualar ve Beddualar. *Türklük Bilgisi Araştırmaları Dergisi*, 1997, №4: 99-121.; Keskin A. Türk Kültüründe Alkışlar (Dualar/İyi Dilekler) ve Kargışlar (Beddualar/Kötü Dilekler): Metin ve Bağlam Merkezli Bir İnceleme, Ege Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, İzmir, 2018.

ва тасниф қилинади. Туркий халқлар лингвомаданиятидаги тилак / олқиш / дуоларнинг ўзини тематик тасниф қилиш масаласига ҳам филологлар мунтазам эътибор қаратиб келади. Мазкур бирликларни тасниф қилишда, асосан, куйидаги омиллар диққатга олинган: кундалик сўзлашув ва муомалада, адабиёт ва санъатда, урф-одатларда, муҳим маросим ва тантаналарда, хурсандчилик ва ташвишли кунларда қилинадиган тилак / олқиш / дуолар¹⁷.

Олиб борилган тадқиқотларда олқиш ва дуоларнинг лисоний хусусиятлари, лексик таркиби, фонетик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ўзига хосликлари текширилган. Яна бир эътиборга молик томони шундаки, мавзуга алоқадор ишларда тилак / олқиш / дуоларнинг бугунги кундаги ҳолати ҳақида ҳам сўз юритилади. Глобаллашув жараёнининг тезлашиши ҳамда интернет тармоқларининг шиддат билан тараққий этиши натижасида тилак / олқиш / дуоларнинг лингвистик ва функционал жиҳатдан фарқланиб бораётганига эътибор қаратадилар. Тилак ва туйғу ифодаловчи сўзлар ўрнини ижтимоий тармоқлардаги ёзма хабарлашувда турли рамз-белгилар эгаллаётганлиги ва буларнинг оқибати, шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган олқиш ва қарғишларнинг трансформацияси, рақамли маконга ўтиши ва тарқалиш жараёнлари ҳақида фикр юритилади¹⁸. Айрим тадқиқотларда эса олқиш ва қарғишларнинг сеҳр-жоду амаллари билан алоқадорлигига эътибор қаратилган¹⁹. Олқиш ва қарғишларнинг давлат ва бошқарув ишларидаги функциялари тарихий манбалар асосида кўриб чиқилган ишлар ҳам мавжуд²⁰. Мавзуга бевосита алоқадор ишлар билан бир қаторда билвосита алоқаси бўлган, у ёки бу шаклда тилак / олқиш / дуолар масаласи ёритилган тадқиқотлар ҳам талайгина²¹. Кўрсатилган манбалар асосида айтиш мумкинки, турк филологиясида олқиш ва қарғишларнинг, тилак ва дуоларнинг туркий халқлар ҳаётидаги ўрни, тарихий тараққиёти ва бугунги кундаги ҳолати турли аспектларда ўрганилган.

¹⁷Aça M. (2002). Tıva Türklerinin Alkışları (Algış-Yöree) Üzerine Notlar. Milli Folklor Dergisi, 56: 166-178.; Ağca M. (2015). Eski Uygur Türkçesinde Dua/Alkış (Anlambilimsel Bir İnceleme), Yayınlanmamış Yüksek Lisans Tezi. Hacettepe Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Ankara.; Duymaz A. (2000). Sihir Şiirlerinin Bir Türü Olarak Alkışlar. Milli Folklor Dergisi, 45: 15-21.;Kutlu M. (2003). Dua. Kudret Emiroğlu- Suavi Aydın (Yay. Haz.) Antropoloji Sözlüğü. Ankara: Bilim ve Sanat Yayınları, s. 242.;Keskin A. (2019). Alkışların (Dua/İyi Dilek) ve Kargışların (Beddua/Kötü Dilek) Terim, Tanım ve Tasnif Problemlerine Bağlam Merkezli Bir Yaklaşım, Jass Studies-The Journal of Academic Social Science Studies, Doi number:<http://dx.doi.org/10.9761/JASSS7919>, Number: 74 Spring 2019, p. 205-220.; CİLACI, O. (1992). «Dua». İslam Ansiklopedisi. C. 9. Türkiye Diyanet Vakfı Yay.;DOĞAN, I. (2001). «Eski Uygurca Tövebe Duaları». III. Uluslar Arası Türkiyat Araştırmaları Sempozyumu Bildiriler Kitabı, Ankara, –S. 303-320.

¹⁸Aydın H. (2007). «Reklamlarda Sloganlaşan Alkış», Milli Folklor, , –S.75, s. 24-26; Çamkara, A. (2007). «Teknoloji Ve Kültürel Endüstri: «Web»ten «Ser»e Alkışların Dönüşümü», Milli Folklor, –S. 75, s. 27-29.; Kocaer S. (2007). «Bir Sosyal Kontrol Aracı Olarak Beddualar ve İnternet», Millî Folklor S. 75, –S. 30-33; Terzioğlu Ö. (2007). Alkış ve Kargışların, Sözlü Kültürdeki Yerleşik Kodların Aktarımını ve Yeniden Üretimini Kolaylaştıran Biçimsel Özellikleri. Millî Folklor(75), –S. 34-37.; Tüzin D. (2007). «Dilek Sözlerine Kentsel Alanda Yeni Söylem: Elektronik Posta Duaları», Millî Folklor S. 75, –S. 43-45.; Şenel M. (2009). «Küfür Etmenin, Lanet ve Beddua Okumanın Çağdaş Yolu: Şarkı ve Türküler», Turkish Studies, 4/8 Fall, s. 2141-21655.

¹⁹Duymaz A. (2000). Sihir Şiirlerinin Bir Türü Olarak Alkışlar. Milli Folklor, 6(45), –S. 15-21.

²⁰Ateş İ. Vakfıelerde Dua ve Beddualar, Vakıflar Dergisi, 1983, sayı: 17, –S. 5-54.

²¹Özen, Kutlu (1987). «Divriği Köylerinde «Ekin Selavatlama» ve «Kaba Yele Karşı Gitme» Törenleri», III. Milletlerarası Türk Folklor Kongresi Bildirileri.(IV. Cilt: Gelenek, Görenek ve İnançlar), Ankara, Kültür ve Turizm Bakanlığı Mifad Yayınları, –S. 277-290.; Okumuş, Necdet (1992), «Uyku Duaları Üzerine Bir Deneme», Milli Folklor Dergisi, S, 15, –S. 33-34.; Duran,Hamiye, (2003), «Sözlü Gelenekteki Yemek Dualarına Dair», Milli Folklor Dergisi, S, 57, –S. 98-101.; Kaya, Doğan (2011), «Sivas'ta Salâvatlamalar», Milli Folklor Dergisi, S, 89, –S. 179-185.

Ўзбек филологиясида ҳам мазкур мавзу тадқиқотчилар томонидан ўрганилган²². М.Б.Ражабова ўзининг «Алишер Навоий ижодида олқиш ва қарғиш стилизацияси» деб номланган мақоласида олқиш ва қарғишларнинг пайдо бўлиши ва халқ тафаккурининг бир қисмига айланиб қолишининг сабаби ҳақида шундай фикрни илгари суради: «Сўз буюк қудратга эга. Унинг ана шу хусусиятини инсонлар жуда қадимдан илғаганлар. Сўзда сеҳр, магик куч бор деб қараган ибтидоий одамлар ундан гоҳ яхши ниятга йўғрилган олқишлар айтишда, гоҳ эса аксинча, ёмонлик, ўлим тилаш мақсадида қарғиш йўллаш учун фойдаланишган»²³. Тадқиқотчи айтиши мақоласида *олқиш* сўзининг тарихий матндаги ифода шакли, мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдириш жараёнида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит-турк» асарида *алқиш* тарзида тилга олинганлигини шу тарзда изоҳлайди: «...бу жанр луғавий жиҳатдан «олқиш», «мақташ», «дуо қилмоқ», «мадҳия айтмоқ», «табрикламоқ» маъноларини билдириши таъкидланган ва унинг Тангрига мақтовлар, бирор қаҳрамон ёки ҳукмрон номига олқишлар каби турларидан намуналар келтирилган»²⁴. Тадқиқотчи М.Ниязова ўзининг ўзбек ва инглиз тилларидаги олқишлар мавзусидаги мақоласида ҳам айтиши сўзнинг генезисига тўхталди: «Ўзбекларда жанр номи қадимги олтой турклари тилидаги «ал-» – шарафламоқ, юксакликка кўтармоқ, мақтамоқ феъли ўзагидан ясалган. «Олқиш» атамаси мана шу «ал-» феъли ўзагига – «қы» буйруқ майли ҳамда «-а (ш)» ҳаракат номи ясовчи кўшимчаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Аммо олқишлар халқ орасида кўпинча «дуо», «фотиҳа», «яхши ният», «тилак» деб юритилади»²⁵.

Рус тилшунослигида олқиш ва қарғишлар муаммоси илмий жиҳатдан анча кенг ўрганилган. Рус тилшунослигида бу мавзу кўпроқ қиёсий аспектда, турли миллатлар ва халқларнинг лингвомаданияти материаллари асосида бажарилган²⁶. Рус турколог С.Каташ ўзининг Олтой халқлари фольклорида

²²Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар. // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б.138-139; Қўчқоров Н. Ўзбек халқ оқишларининг жанр хусусияти ва бадиияти: Филол. фан. номз....дисс. автореф. – Т., 1994; Эшбоева Ф.Х. Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусияти ва бадиияти: Филол. фан. номз....дисс. автореф. – Т., 2008.; Аҳмедова А. «Кеча ва кундуз» романида қўлланган аналитик фольклоризмлар лингвопоэтикаси. «Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 2020-yil, 4-may.; Муродов М. Қарғиш ва олқиш // Сарчашмадан томчилар. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б.123-133.

²³Ражабова М.Б. Алишер Навоий ижодида олқиш ва қарғиш стилизацияси. Бухоро давлат университети илмий ахбороти 2020/3 (79) –Б.135-139.

²⁴Қошғарий М. Девону луғотит турк. II жилд. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов). – Т.: Фан, 1961. –Б.123.

²⁵Ниязова М. Инглиз ва ўзбек халқ олқишларининг айрим муштарак хусусиятлари. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, 27 июнь –«Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни»га бағишланган махсус сон. – Хива, 2020.–Б.101-105.

²⁶Каташ С.С. Алқиш сос (благопожелания) – древний жанр алтайского фольклора. Улагашевские чтения. Вып. I. – Горно-Алтайск, 1979. С.63-77; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – М.: Изд-во МГУ, 1946. С.11; Чернейко Л.О. Лингвофилософский анализ абстрактного имени. – М.: URSS, 2010. – 272 с.; Токарев Г.В. К вопросу о типологии культурных коннотаций // Филологические науки. – 2003. - №3. – С. 55-59.; Кандаракова Е. П. Алтайские благопожелания и обряды их исполнения / Е. П. Кандаракова. Горно-Алтайск, 1993. - 19 с.; Абаев Н. В. Экологические традиции в культуре народов центральной Азии / Н. В. Абаев, К. М. Герасимова, А. И. Железнов. Новосибирск : Наука, 1992. - 158 с.; Абаева Л. Л. Культ гор и буддизм в Бурятии / Л. Л. Абаева. М. : Наука, 1991.-142 с.; Анохин А. В. Душа и ее свойства по представлениям теле-утов / А. В. Анохин // СМАЭ. Т.VIII. - Л., 1929. - С. 253-270.; Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев / А. В. Анохин // СМАЭ. Т. IV. - Вып. 2. - Л., 1924. - С. 1-148.; Бардаханова С. С. Малые жанры бурятского фольклора : пословицы, загадки, благопожелания / С. С. Бардаханова. — Улан-Удэ : Бурят, кн. изд-во, 1982. 208 с.;

олқиш сўзлар тадқиқига бағишланган ишида туркий халқлар поэтик анъанасида сўз магиясига асосланган ҳамда алоҳида, мустақил кичик жанрлар сифатида тан олинган олқиш ва қарғишлар стилизацияси ҳақида сўз юритади. Шунингдек, С.Каташ олқишларни культ ёки қабилаларга хосланувчи олқишлар, дуолар; ижтимоий ҳаёт ёки ишлаб чиқариш билан боғлиқ олқиш-дуолар ва оила даврасидаги олқиш-дуолар тарзида таснифлаб таҳлилга тортади. С. Каташ, олқиш ва эзгу тилаклар асосини анимизм ва тотемизм билан боғлиқ сеҳрли ғоялар ташқил этади, деб ҳисоблайди. Муаллифнинг фикрича, олқишлар ва эзгу тилаклар «атроф оламини ибтидоий англаш, изоҳлаш ва муайян қийинчиликларни, касалликлар туфайли ўртага чиққан машаққатларни енгиб ўтишга кўмаклашиш ҳамда ҳаётини тажрибани умумлаштириш»дан иборат эканлигини таъкидлайди²⁷. Рус назарий тилшунослиги вакиллари билан бири Л.О.Чернейко ўзининг мавҳум отларнинг лингвофилософик таҳлиliga бағишланган тадқиқотида олқиш ва қарғишларнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтади. Е.П.Кандаракова, А.В. Анохин, Л.Э.Каруновская, М.А.Толбина каби тилшунослар ҳам мазкур масалага эътиборни қаратиб, олтой халқларининг лисоний маданиятидаги олқиш, эзгу тилак ва қарғишларнинг семантик-структурал хусусиятлари, улар ижроси билан боғлиқ маросимларнинг лингвоконцептуал ва лингвокультурологик жиҳатларини атрафлича ёритганлар.

Лингвопоэтик тадқиқ умумфилологик тадқиқотлар сирасида кенг тарқалган тадқиқот тарзи ҳисобланади. Унда инсоний туйғуларни юксак ифодалашда тил бирликларидан фойдаланиш объект қилиб олинади.

Бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларда бадиий матн: шеърини ва насрий асарларнинг бадиий-эстетик таъсир кўламини тадқиқ этиш ва белгилаш имкони бор. Бадиий асар тилини тил эстетик вазифасининг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳа ҳисобланган лингвопоэтика филологик фанлар тизимида алоҳида мавқега эга бўлиб бормоқда²⁸.

Замонавий тилшуносликда лингвокультурология тилини тадқиқ этишда етакчи йўналишлардандир. Бу йўналишнинг объектларидан бири лингвомаданий бирликлардир. Илмий адабиётларда айтилганидек, рамзлар, ўхшатишлар, сифатлашлар, метафоралар, метонимиялар, бадиий такрор, урф-одат ва маросимга оид сўзлар, нутқнинг норасмий унсурлари тилнинг лингвомаданий бирликлари ҳисобланади. Булар қаторига тилак / олқиш / дуоларни ҳам киритса бўлади. Д.Худойбергановнинг бу борадаги хулосасига кўра «маданий бирликлар ўзида бирор этносга хос менталликни, шунингдек, реал воқеликни

Каруновская Л. Э. Из алтайских верований и обрядов, связанных с ребенком / Л. Э. Каруновская // СМАЭ. Л. : Изд-во АН СССР, 1927. -Т.11.-37 с.; Кандаракова Е. П. Алтайские благопожелания и обряды их исполнения / Е. П. Кандаракова. Горно-Алтайск, 1993. - 19 с.; Кенин-Лопсан М.Б. Алгыши тувинских шаманов / М.Б. Кенин-Лопсан. Якутск : Бичик, 2007. - 206 с.; Толбина М. А. Вопросы изучения жанра алтайского фольклора чечен сос — меткие слова / М. А. Толбина // Материалы конф., поев. 40-летию ГАНИИИЯЛ: тез. докл. Горно-Алтайск, 1992. - С. 138-140.

²⁷Каташ С. С. Алкыш сос (благопожелание) древний жанр алтайского фольклора / С. С. Каташ // Улагашевские чтения. - Горно-Алтайск, 1979. - Вып. 1.-С. 63-76.

²⁸Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. - Тошкент: Фан, 2007. - Б. 7.

лисон воситасида ифодалаш даражасини кўрсатувчи далил ҳамдир. Булар ўзида халқнинг ижтимоий, маънавий жиҳатдан ривожланишини ҳам кўрсатади»²⁹.

Туркча тилак / олқишлардаги анъанавий сифатлашларнинг эмоционал-экспрессивлик пайдо қилиш хусусияти сайқал топган. Сифатлаш – (эпитет) нутқда экспрессивлик ва субъектив баҳо ифодаловчи, «киши, нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг бирор белгисини, хусусиятини, сифатини аниқ равшан кўрсатиб берувчи бадиий тасвир воситаси»³⁰. Сифатлаш қўшилган сўз маъно жиҳатдан бойиб, эмоционал бўёқдорлик касб этади. Сифатлаш (эпитет)ларни Б.Томашевский «логик аниқловчи», Л.Тимофеев «бадиий аниқловчи» дея талқин этган. В.Пропп эса «сифатлаш халқ дунёқарашини, унинг теварак-атроф ва олам ҳодисаларига муносабатини ифодалайди», деб таъкидлаган.

Сифатлашлар, айниқса, кўшиқ жанрида энг кўп учрайдиган тасвирий воситадир. Сифатлаш иштирок этмаган кўшиқ импровизациясини учратиш қийин ва у кўшиқ матнида ижобий ва салбий бўёқдорлик, субъектив ва объектив баҳо оттенкаларини ифодалайди. Ҳар бир поэтик сўз ўзига сифатлаш бириктирганда, албатта, ғоявий «юк»ни ташийди ва муаллифнинг, лирик қаҳрамоннинг субъектив баҳосини ифодалайди. Бироқ баъзи одатий сифатлашлар объектив баҳо билдирмайди, яъни барча қўллайдиган, шу турдаги барча предметларга нисбатан қўлланиладиган сўзни бириктириб, нейтрал муносабатни кўрсатади³¹.

Туркча тилак / олқишлар орасида никоҳ куни айтиладиган тилаклар турк фольклорида алоҳида аҳамият касб этади. Бу кунда айтиладиган тилаклар бошқа халқлар поэтик ижодида учрамайди ҳамда камдан-кам қузатиладиган анъаналар сирасига киради. Никоҳ тилак ва олқишларида қайнона ўз хонадонига келаётган келинига насиҳатлари ҳамда яхши тилаklarини билдиради. Тўйга ташриф буюрувчилар келин ва кўёвга бағишланган олқиш, тилаклар ва уларга аталаган дуоларни айтадилар. Бу тилакларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг замирида оила қураётган ёшлар келгуси ҳаётларида яхши яшаши, аҳил, меҳрибон ва серфарзанд бўлиши, узоқ умр кўриши, ҳаётларининг доим фаровон бўлишидек эзгу ниятларда кўринади. Тилаклар сирасида қайнонанинг тилаклари ўзига хос. Туркча тилак ва олқишларда қўлланган сифатлашларда келин янги уйга кириб келиши билан қайнона-қайнота ҳамда тўйга йиғилганлар томонидан *gelinin alkışını vermek* («келиннинг дуосини бериш»), *gelini dualamak* («келинни дуо қилиш») деб номланадиган олқишлар айтилади, Онадўлида эса *gelin övme türküleri* («келинни макташ туркулари»), *hoş geldin* («хуш келдинг») айтиш билан келин кутиб олинади.

Иккинчи боб «Туркча тилак / олқиш / дуоларнинг мавзу гуруҳлари» деб аталган. Унда ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар учун айтиладиган, тўй-ҳашамларда айтиладиган, табиат ҳодисалари ва халқ маросимлари билан боғлиқ

²⁹Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли Достонлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлили): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошент, 2017. – Б. 127.

³⁰Якуббекова М. М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 190.

³¹Якуббекова М. М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2005.

тилак / олқиш / дуолар ҳамда таъзияда айтиладиган тилак ва дуолар таҳлил қилинган.

Турк лингвомаданиятида бола туғилгандан бошлаб вояга етгунча бўлган даврда айтиладиган кўплаб тилак/олқиш/дуолар мавжуд.

Турк тилида *Allah bir sancıda kurtarsın.* – «Аллоҳ бир тўлғоқда қутқарсин» деган тилак бор. Бу туғуруқ ўз вақтида келиши ва тўлғоқ осон кечиши учун айтилган тилақдир. *Allah kurtarsın.* – «Аллоҳ қутқарсин» тилагини айтишдан мақсад ҳомиладор аёл – бўлғуси онанинг ўзи ҳам, дунёга келаётган бола ҳам соғ-саломат қолишини исташдир. *Allah tamamine erdirsin.* – «Аллоҳ охири бахайир бўлсин» тилаги «чеккан машаққати эвазига олган боласини катта қилиш ҳар бир онага насиб қилсин», деб мазмунда қўлланади. *Allah vere da çocuğu günsüz doğurmaz.* – «Худо хоҳласа беради ҳамда куни келмасдан болани туғдирмас». Фарзанд туғилса ҳам кечаси туғилсин, ҳеч кимнинг хабари бўлмасин, биров билиб, биров билмасин деган мазмунда айтилади. *Allah yardımcın olsun.* – «Аллоҳ мададкоринг бўлсин» тилаги эса ҳеч ким ёрдам қилолмайдиган шароитларда фақат Яратганга илтижо қилиб, мушкулотларига ёрдам сўрашда айтилади. *Ayıbsız amansız (kusursuz) olsun.* – «Айб ва қусурсиз бўлсин» тилаги «дунёга келадиган бола соғлом ҳамда касалликлардан йироқ бўлиб туғилсин» деган мазмунда қўлланади. Шундай мазмундаги ўхшаш тилақлар ҳам мавжуд. *Ayıbsız zahmetsiz olsun.* – «Айбсиз, нуқсонсиз беташвиш бола бўлсин». Бола бирор касаллик ёки туғма нуқсон билан туғилса, ота-она учун катта ташвиш келтиради, шундай бўлмаслигини истаб қилинадиган дуолардан бири шудир.

Eli yüzü düzgün olsun. – «Юз қўли рисоладагидек бўлсин» тилаги ҳам туғилажак боланинг соғлом ва бенуқсон бўлишини истаб айтилади, гўзал бўлишини ҳам сўралади. *Allah elini ayağını düz versin, kız ya da oğlan versin.* – «Аллоҳ қўл-оёғини бутун қилиб берсин, қиз ёки ўғлон берсин» тилагида туркча тилақларда кўп учрайдиган ният бўлиб, бу боланинг она қорнидалигида соғлом, қўл-оёқлари бутун бўлиши, қиз ёки ўғил фарзанд сўрашдир. Турклингвомаданиятида туғиладиган боланинг жинсини айириб, бирини иккинчисидан устун кўриш билан боғлиқ тилак ёки олқишлар учрамайди. Яна бир ўзига хос тарзда ифодаланадиган тилақлардан бири «*Karıdan göçelim, kızım göçelim eller koştı biz geldik*» бўлиб, у – ҳомиласи тесқари келган аёлга туғиши осон бўлишини тилаб остонадан кираётган доя томонидан айтилади. Туғуруқ вақти дард кучайиб, ҳомиладор аёлнинг аҳволи оғирлашаётганда доя иссиқ сув билан қорнини силайди ва *El benim elim değil, Fatma anamızın eli, iyi meleklerini gönder Allah'ım.* – «Бу менинг қўлим эмас, Фотима онамизнинг қўллари, яхши фаришталарингни юбор, Аллоҳим» деган тилак – дуони айтади. Ислом тарихидан маълумки, сарвари коинот Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дунёга келиш вақтларида доялик қилган аёлнинг исми Фотима бўлган. Шунинг учун Фотима онага ўхшаб доялик қилиш маъносида қўлланган. *Kurtuldun mu? Biz girdik o çıksın.* – «Қутулдингми? Биз кирдик, у чиқсин» тилагини эса қўшни аёллар кўзи ёриган аёлни кўргани борганда айтиб кирадилар, бу бола туғуруқ вақтидаги дард, машаққат сендан кетди, демоқчи бўладилар.

Суннат қилинган бола ва унинг ота-онаси келган яқин қариндошлар ва меҳмонлар томонидан табрикланади ва уларга яхши тилаклар билдирилади. Билдирилган тилак / олқиш / дуоларнинг мазмунига эътибор бериладиган бўлса, боланинг соғ-саломат бўлиши, улғайиши, узоқ умр кўриши ва бахтли-саодатли яшашини тиланганлигини кўришимиз мумкин. Масалан: *Sünnet toyunuz kutlu olsun.* – «Суннат тўйингиз муборак бўлсин»; *Allah daha büyük müriüvvetini göstersin.* – «Аллоҳ бундан катта мурувватини ҳам кўрсатсин», *Allah damatlığına erdirsin.* – «Аллоҳ куёв бўлганини кўрсатсин», *Darısı güveyligine, Allah büyük düğününüzü de göstersin.* – «Аллоҳ катта тўйини ҳам(никоҳ тўйини)кўришни насиб қилсин», *Darısı askerliğine, derneğiniz mübarek olsun.* – «Тўйингиз муборак бўлсин», *Allah çok yıllar yetiştirsin.* – «Аллоҳ кўп йилларга етказсин», *Allah daha büyük muradını göstersin.* – «Аллоҳ бундан ҳам ортиқ мурудинга етказсин», *Maşşallah; kırk bir kere...* – «Кўз тегмасин; қирқ бир қарра...», *Maşşallah! Uğurlu kademli olsun!*, – «Кўз тегмасин! Пойқадами қутлуғ бўлсин!» каби тилакларда шундай орзу-ният мужассам.

Оила қуришдаги ўзига хос удумлардан бири қизнинг уйига совчиликка боришдир. Буни турклар «*söz kesme*» «сўз кесиш», яъни «қизга оғиз солиш» дейдилар. «*Nişan*» «унаштирув» ўзбеклардаги *фотиҳа қилиб қўйиш, нон (natır) синдириш, оқ ўраш* каби кичик тўй маросимларининг айнан ўзидир. «*Nişan*» «унаштирув» эса тўй учун ташланган дастлабки жиддий қадамдир. Унаштирув ва тўйда айтиладиган тилак / олқиш / дуоларда катта фарқ йўқ.

Турк лингвомаданиятида совчиликка эркаклар боради. Совчиликка борилганда *Allah'in emri Peygamberin kavli"yle.* – «Аллоҳнинг амри, пайғамбарнинг қавли билан» қизга оғиз солинади. Агар қиз томонга куёв маъқул келса, уларга *Allah tamamına erdirsin.* – «Аллоҳ охири билан бирга қилсин», деб жавоб берилади.

Туркиянинг турли ўлкаларида маҳаллий халқ тилида оила кураётганларга бахт-саодат тилаб айтиладиган жуда кўп тилак / олқиш / дуолар мавжуд. *Allah mutlu edsin.* – «Аллоҳ бахтли қилсин», *Allah mesud edsin.* – «Аллоҳ хайрли қилсин», *Allah sonunu hayır edsin.* – «Аллоҳ охири билан бахтли қилсин», *Allah tamamına erdirsin.* – «Аллоҳ охири билан кўрсатсин» каби. Бу тилакларнинг барчасида «унаштирилган» ёки «оқ ўралган» қиз ёки йигитнинг бахтли бўлиши, кўша қаришидек мазмун мужассам. Охириги тилак ҳомиладор аёл омон-эсон туғиб олганда ҳам айтилади: *Aynı sana da olsun.* – «сени ҳам шу кунларга етказсин». Бундай тилаклар айтилаётган вақтда даврага қўшилган қизларга ҳам айтилади: *Darısı başına.* – «Сизларга ҳам насиб қилсин» тилаги тўйи бўлаётган келин ўз уйидан чиқиб, устига сочқилар сочилаётганда билдирилади. Ушбу одат «ҳаёти тўкин-сочин, рўзғори бут бўлсин» деган ниятда қилинади. Шу кунларни кўргин деб, оила қурмаган ёшларга ҳам айтилади. «Муборак бўлсин» маросими уч кун давом этса, келин уч хил кийим тиктирган. Маросимга келган меҳмонлар келиннинг уйини томоша қилиш асносида уларга яхши тилаклар билдирган. Қуйида «*mübareke*» маросимига келганда меҳмонлар томонидан айтиладиган тилак / олқиш / дуолардан намуналарни таҳлилга тортамыз:

Allah bir yastıkta kocatsın. – «Аллоҳ бир ёстикда кўпайтирсин», *Allah evlad kısmed edsin.* – «Аллоҳ фарзанд берсин». *Allah iyi geçinmeler versin.* – «Аллоҳ

яхшиликларни кўрсатсин». *Allah hayırlı geçinme versin.* – «Аллоҳ хайрлисини кўрсатсин», *Allah mesud bahtiyar edsin.* – «Аллоҳ шоду хуррам қилсин». *Allah muradını versin.* – «Аллоҳ муродингини берсин», *Bu damın altında tatlı ekmeğe yeşersiniz.* – «Бу оилада мўл-кўл тотли ризқ енг». Бу ўринда *dam* сўзи оила маъносида келган. *Ermeyen ersin, görmeyen görsün.* – «Эришмаган эришсин, етмаган етишсин», *Allah herkesin muradını versin.* – «Аллоҳ ҳамманинг муродини ҳосил қилсин». *İyi günlerde otursunuz.* – «Яхши кунларда яшагин». *Güle güle otursunuz.* – «Хурсандчиликда яшагин». *Hayırlı evladlar...* – «Яхши фарзандлар берсин...», *hayırlı uğurlu olsun.* – «Хайрли, саодатли бўлсин», *Mutluluklar dilerim.* – «Бахт тилайман». *Mübarek olsun.* – «Муборак бўлсин». *Tez zamanda yavrularınızı göresiniz.* – «Тез кунларда фарзандлар ато этсин» кабилар.

Туркий халқлар яшайдиган минтақа ва ҳудудларда кенг тарқалган дуо ва олқишлардан бири ёмғир билан боғлиқ дуолардир. Дехқончилик, чорвачилик учун сув ниҳоятда муҳим, шу боис туркий халқлар, хусусан туркларда ёмғир ёғдириш ва мўл-кўлчилик сўраб дуо қилиш маросими мавжуд. Бу маросим исломиятдан аввал пайдо бўлган бўлиб, ҳозирда ҳам ўтказилади. Бу ҳақида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит-турк» асарида ёз қуни ёмғир сўраш билан боғлиқ маросим ҳақида маълумот бор. Ёмғир сўраш маросимида ёшидан қатъи назар барча иштирок этган. Ёмғир ёғдириш маросими иштирокчиларидан келиб чиқиб катталар ва болалар маросимларига бўлинган. Ушбу маросимлар бир мақсадда ўтказилса ҳам улар орасида ўзига хос фарқлар мавжуд.

Туркиянинг турли вилоятларида айни шундай маросимлар ўтказилади. Ҳудудий жойлашуви бир-биридан узоқ бўлишига қарамай, маросимлар орасида жуда катта фарқ йўқ. Шонлиурфа вилоятида курғоқчилик бўлган вақтда қирқта кичик тош тўпланиб, унга «дуолар ўқиб» дам солиб, сўнг Ҳалил Иброҳим кўлига отилади ва шундан сўнг ёмғир ёғади деб ишонилган³².

Мардинда ёмғир дуоси учун йиғилган халқ аввал қабристонни зиёрат қилади ва етти минг майда тош йиғиб, бу тошларга «Аллоҳ, ёмғир ёғдиргин» деб дуо қилинади³³.

Самсун вилоятида ёмғир ёғдириш учун тошлар тўпланиб, бир халтага солинади, кейин у халта қишлоқнинг ўзидаги бир анҳорга ташлаб қўйилади³⁴.

Аза ва таъзияларда айтиладиган ҳамда диний тушунчалар билан боғлиқ тилак / олқиш / дуолар ҳам ўзига хос. Турк тилидаги айни тилакларнинг энг кўп қўлланадигани *başınız sağ olsun*; сўзма-сўз таржима қилинганда «Бошингиз омон бўлсин» деган маънони билдиради. Ўзбек лингвомаданиятида эса бундай мазмун «бандалик экан» деган таъзия тилаги билан айнан мос келади. Бу тилак кенг ва чуқур маъно билдиради. *Allah başka acı vermesin/Allah bir daha acı vermesin.* – «Аллоҳ бошқа қайғу бермасин», *Allah sizlere uzun ömür versin.* – «Аллоҳ сизларга узун умр берсин» тилаклари вафот этган кишининг ортида қолган яқинларига қарата айтилади. *Allah ecir-sabır versin.* – «Аллоҳ ажр-сабр берсин» тилак-дуоси эса «ҳар қандай мусибат, синов ва ташвишларни сабр билан енгиб ўтган

³²М.Çinci; «Urfa'ya Özgü İnanışlar ve Vesveseler Harran Kültür ve Folklor Dergisi», 17 с. 1980.13-бет.

³³О.С.Адал, «Savurda Yağmur Duası», Türk Folklor Araştırmaları, 1961.151-с.23676.

³⁴Bekir Şişman, «İslamiyet Öncesi Türk İnanç ve Ritüellerinin Samsun Yöresindeki İzleri», Türk Kültür Dergisi, Eylül 1996., 401. 563s.

бандасини мукофотлайди» деган эътиқоднинг лисоний ифодасидир. Шу маънода таъзия билдириб келганлар вафот этган инсоннинг ортида қолган мусибатзадаларга руҳан ва маънан далда бериш мақсадида бу тилак айтилади ва дуо қилинади.

Тилак / олқиш / дуолар тадқиқ қилинганда, диннинг тилга таъсири жиддий кўзга ташланади. Дин билан бирга, миллат тилига янги сўзлар ва ўзлашмалар кириб келади. Турк тилида ҳам бу жараён юз берган. Жамият аъзолари турли қийин вазиятларга тушганда, бирор киши ёки нарсага муҳтож бўлганда, энг аввало, Аллоҳга мурожаат қилинган. Турк тилида диний тушунчалар билан боғлиқ *Allah, günah, sevap, gavur, peygamber, şükür, hamd, hak, Ahiret, ameli salih, Amin, behişt, iman, melaike* сингари сўзлар қатнашган тилак / олқиш / дуолар салмоқли миқдордадир. Бу тилак ва олқишларда Аллоҳга таваккал қилингани, турк эътиқоидида диний тушунчаларнинг таъсири кенг ёйилгани кўринади.

Диссертациянинг учинчи боби «Туркча тилак / олқиш / дуоларнинг лингвопоэтик хусусиятлари» деб аталган. Ушбу бобда тилак / олқиш / дуоларда синонимларнинг, антонимларнинг, коррелятив бирликларнинг қўлланиши, *iyi* ва *hayırlı* сўзларининг бадий-услубий хусусиятлари, тилак / олқиш / дуоларда сонларнинг бадий функциялари ва ранглар символикаси ёритиб берилган.

Л.Шчерба ҳам лингвистик тадқиқотлар тилнинг далилий материалларини йиғиш, фаразлар тузилиши ва уларнинг янги фактларда ҳақиқийлигини текширишдан иборат бўлиши лозим³⁵лигини таъкидлаган эди.

Шу маънода Д.Шмелевнинг мана бу фикри диққатга сазовор: «Тилнинг бу вазифаси (эстетик вазифаси) фақат бадий асарлардагина намоён бўлмайди. Бизнинг диққатимиз жумланинг шаклига, фикр қай тарзда ифодаланганлигига қаратилган ҳар онда биз айнан шу вазифанинг ҳаракати доирасида бўламиз»³⁶. Олимнинг алоҳида таъкидлашича, сўзловчининг ўз нутқи шаклига эътибор бера бошлаши, лисоний ифода имкониятларини баҳолашга ўтиши билан тилнинг эстетик вазифаси намоён бўлади. Яъни сўзловчи нимани ифодалашнигина эмас, балки айни шу «нима»ни қандай ифодалашни ҳам муҳим ҳисоблаганидан бошлаб, тилнинг бу вазифаси ишга тушади. Жонли сўзлашув, кундалик мулоқот жараёнидаги кўплаб ҳазиллар, латифалар ва чуқур маъноли сўз ўйинларида тилнинг эстетик вазифаси яққол намоён бўлади.

Турк тилида ҳам сўзлар маънодошлиги ҳодисаси кўп кузатилади. Тилак / олқиш / дуоларнинг тузилишида умумий семантикли, жуда яқин маъноли сўзлар иштирок этади. Ишда такрор сўз каби қўлланган синоним сўзлари бор бир қанча тилаклар ҳам таҳлил қилинди. Аслида тилак таркибида қисман семантик яқинлик мавжуд бўлгандагина синонимия ҳақида гапириш мумкин. Таъкидлаш керакки, синономия ҳодисаси умумий маъноли ва тенг маъноли сўзларни бирлаштиради ва бу икки ҳолат синонимликни юзага чиқаради.

Синонимларни ўрганиш ва осон тушунтишда И.Голуб таснифи эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, маъно отенкалари билан фарқланувчи синонимлар

³⁵Шчерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974.

³⁶Проблемы семантического анализа лексики / Д. Н. Шмелев. - Изд. 4-е. - Москва: URSS: ЛЕНАНД, сор. [2016]. - 278, [2] с.; 22 см. - (Из лингвистического наследия Д. Н. Шмелева). - ISBN 978-5-9710-4100-9

семантик синонимлар, бир хил маънога эга бўлиб, услубий бўёқдорлиги билан ажралиб турувчи синонимлар услубий синонимлардир. Услубий синонимлар турли ёки бир вазифавий услубга тегишли бўлиб, турли эмоционал-экспрессив оттенкалари билан ўзаро фарқланади. Ҳам маъноси, ҳам услубий бўёғи билан фарқланадиган синонимлар эса семантик-услубий синонимлар ҳисобланади.

3.Хованская синонимлар таснифи ҳақида қуйидагиларни ёзади: «луғавий синонимлар – бир сўз туркумига тегишли бўлган, ўз маъносида жинс ва тур аломатларини сақлайдиган, мавҳумликнинг бир хил сатҳига алоқадор ва денотатив ёки маънонинг услубий компонентлари билан фарқ қиладиган тил бирлигидир»³⁷.

Allah suçumuzu-günahımızı affede (L.A.S.30). – «Аллоҳ айб-гуноҳларимизни кечирсин». *Suç*- сўзининг «Турк тилининг изоҳли луғати»да: 1) ахлоқ-қоидаларга зид муносабатда бўлиш; 2) қонунларни бузиш маънолари берилган. *Günah* сўзи ўша луғатда: 1) динда хато деб айтилган ишни қилиш ёки юриш; 2) ачинарли хатти-ҳаракат, афсусланадиган иш қилиш; 3) (айрим ибораларда) жавобгарлик; 4) қабоҳат, оғир айб иш маъноларини англатиши айтилади.

Allah akıl-fükür versin (L.A.S.86). – «Аллоҳ ақил-фикр берсин» *Akıl* сўзи турк тилининг изоҳли луғатида 1) фикрлаш; 2) мия; 3) насиҳат, ўғит; 4) ўй, фикр маънолари бор. *Fükür* сўзи аслида *fikir* шаклида келади. Тилак матнида у фонетик ўзгаришга учраган. Шу боис унинг асл кўринишини «Турк тилининг изоҳли луғати»дан кўриб чиқамиз: 1) фикр, мулоҳаза, мутолаа; 2) ўй, ғоя. Тилак таркибида синонимик жуфтлик маъноларида айнан мос келганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, синонимиянинг турли томонларини очишга бағишланган нисбатан катта миқдордаги тадқиқотлар мавжуд бўлишига қарамай, синонимларни аниқлаш, уларни ўрганиш усуллари ва таснифлаш тамойиллари, синонимик қатор чегараларини белгилаш тўғрисида яқдиллик йўқ.

Allah canna bedenine sağlık vere (L.A.S.254). – «Аллоҳ тану жонинга соғлик берсин». *Can-beden* сўзлари тилак таркибида синонимик қўлланган. Масалан, *can* сўзи: 1) инсонлар ва ҳайвонларнинг яшашларини таъминловчи, ўлим билан танадан чиқиб кетишига ишониладиган борлик; 2) яшаш, ҳаёт; 3) куч, тириклик; 4) инсон, шахс; 5) инсоннинг борлиғи, ўзи; 6) кўнгил; 7) яқинлик ҳиссини билдирувчи сўз; 8) ич-ичдан яхши кўрилган, ширин каби маънолари борлиги қайд қилинган. *Beden* сўзи эса 1) жонли мавжудотларнинг моддий қисми, вужуд; 2) вужуднинг бош, қўл ва оёқ қисмларидан ташқари қисми, гавда деб изоҳланган. Бундан ташқари, «қалъа девори» ва «либос ўлчами» маъноларида ҳам қўлланади.

Синонимлар кимса, нарса ва ходисаларнинг хусусиятлари ҳамда бошқаларни ўз ичига олади. Синонимиянинг энг аниқ сабаби ўхшашликдир. Синоним, қоида тариқасида, битта фикрни такрорламай, балки ифодаламақчи бўлган тушунчанинг белгиларини аниқлаштиради.

Туркча тилак / олқиш / дуолар тилидаги антонимлар икки хил: 1) бир антоним жуфтликдан иборат бадий тасвир воситаси; 2) бир неча антоним

³⁷Хованская З. Стилистика современного французского языка. – М.: Высшая школа, 1984. –С.82.

жуфтликдан иборат бадий тасвир воситаси. Қарама-қаршилик мураккаб ҳодиса бўлгани учун унинг лингвистик талқинида туркум билан чегараланиш ҳодисани моҳиятан тўла қамраб олиш имконини бермайди.

Қарама-қаршилик категорияси борлиқнинг асосий мезонларидан бири сифатида доим олимлар диққат марказида бўлиб келган. Унинг тилдаги ифодаси антонимия, антисемия ва энантиосемия терминлари остида тадқиқ қилиниб, маълум меъёрларга бўйсундирилган. Мазкур ҳодисалар юзасидан кўплаб монографик ишлар майдонга келган, жумладан, рус тилшунослигида Л.Новиков, В.Иванова, Е.Миллер каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида эътиборга молик. Деярли барча ишларда лексик бирликларнинг мазмуний қарама-қаршилик муносабати бир туркум доирасида олинган. Туркумлараро қарама-қаршиликка оид фикрлар, асосан, Е.Миллернинг илмий қарашларида учрайди. Ўзбек тилшунослигида С.Усмонов, Р.Шукуров, Б.Исабеков, Д.Абдуллаева, Ё.Одиловнинг антонимия, антисемия ва энантиосемияга доир тадқиқотлари бор³⁸.

Тилакларда ҳам айрим ўринларда хурсандчилик ва хафаликни англатувчи сўзлар ёнма-ён қўлланилган. Бемор учун айтиладиган *Allah dermanı olmayan dert vermesin* (L.A.S.305.). – «Аллоҳ дармони йўқ дард бермасин», деган бу тилакда *derman* (дармон) ва *dert* (дард) сўзлари бир-бирига зид маъноларга эга бўлиб, улар тилак матнида ўзига хос антитезани ҳосил қилган.

Турк тилиниг изоҳли луғатида *dost* сўзи беш маънога, *düşman* сўзи эса олтита маънога эга эканлиги қайд этилган. Қуйида *dost* ва *düşman* лексемалари қатнашган тилаклар таҳлилга тортилган. Олам, ундаги ҳар бир ҳодиса яхлит ҳолда, компонентлари ўзаро турли хил муносабатда бўлган мураккаб бир тизимни ташкил этади. Қарама-қаршилик ана шу жараённинг энг муҳим, кўп қиррали жиҳатидир. Мавжудликнинг алоҳидалиги, ўзига хослигини белгилашда қаршиланиш ҳодисасининг ўрни муҳим, зеро, ҳар қандай мавжудлик ўз моҳиятини фарқлиликда, зидликда янада аниқ намоён этади.

Allah dostunu var düşmanını yok etsin (L.A.S.345.). – «Аллоҳ дўстини бор душманини йўқ қилсин». Бу тилакда *dost* (дўст) ва *düşman* (душман) сўзлар ўзаро антонимлар ҳисобланади. Бу икки сўзнинг изоҳли луғатда бир нечта вариантлари мавжуд. Шунингдек *var* (бор) ҳамда *yok* (йўқ) сўзлари ҳам зид тушунчаларнинг ифодаларидир.

Турк тилида ҳам ўзаро жуда яқин *hayırlı* ва *iyi* лексемаларнинг тилак / олқиш / дуоларда ифодаладиган маъно нозикликларини ўрганиб чирилган. Қўлланишда икки бирлик ҳам тил соҳибларига бирдай тушунарли, бу контекстда синонимларнинг лексик маъноларини уларнинг фарқловчи семантик белгиларига қараб аниқлаш қийин, чунки бу каби қўлланишда компонентларда фарқловчи маъно фаоллашмайди. В.Даниленко таъкидлаганидек, бирор сўзнинг амалда қўлланишини, деривацион хусусиятларини ва қўлланишидаги ўзига хосликларни билмай туриб баҳолаб бўлмайди.

³⁸Усмонов С. Антонимлар// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1958. – №4. – Б. 20-26; Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1978; Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия: Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2010; Одилов Ё. Ўзбек тилида энантиосемия: Филол. фан. д-ри... дисс. –Тошкент, 2016.

Араб тилидан ўзлашган, турк тили лексик-семантик тизимида ўзлашганлиги деярли сезилмас ҳолатга келиб қолган *hayırlı* сўзининг қандай амалий қимматга эгаллигини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Шу билан бирга, *hayırlı* сўзи турк тилининг нафақат китобий (ёзма), балки оғзаки нутқида ҳам кириб келганлиги, унинг сўзлашув нутқида синтактик қурилмаларнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилганлигини кўрсатади.

Тилак / олқиш / дуоларда сонлар символикаси ҳам муҳим ўрин тутаяди. Рақамлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Ҳар бир вазият ва ҳолат тафсилоти нутқда ўз ифодасини топади. Шу маънода турк фольклорида рақамлар билан боғлиқ алоҳида қарашлар мавжуд. Кундалик нутқда учрайдиган *bir* «бир», *üç* «уч», *dört* «тўрт», *beş* «беш», *yedi* «етти», *dokuz* «тўққиз», *on iki* «ўн икки», *kırk* «қирқ» ва бошқа рақамлар хусусида маълумотлар айни фикрларга боғлиқ. Биз бу бўлимда турк фольклорида алоҳида аҳамиятли рақамлар иштирок этган тилак / олқиш / дуоларни тадқиққа тортамыз.

Allah birini yerine bin versin (L.A.S.226). – «Аллоҳ бирининг ўрнига минг берсин». Бу тилакда инсонларни эҳсон қилишга, қилинган эҳсонда сарфланган бир танга минг баробар бўлиб қайтиши тиланмоқда. Бу дуода *bir* «бир» ва *bin* «минг» рақамлари иштирок этган.

Адабий манбаларда келган бир рақами турк фольклорида англаган маъноларини қадимги ёзма асарларда ҳам учратиш мумкин. «Бир» рақами Тангрининг ягоналиги ва тенгсизлигини англашишни турк фольклорининг қадимий ёзма ёдгорлиги *Dede Korkut Hikayeleri* «Дада Қўрқут» асаридаги *Tanrı'nın birliğine yoktur güman* «Тангрининг бирлигига йўқдир шубҳа» жумласидан кўриш мумкин³⁹.

Allah iki cihanda yüzünü güldüre (L.A.S.634.). – «Аллоҳ икки жаҳонда юзингни кулдирсин». Инсон юзи кулиб туриши учун кайфияти яхши, тани сихат бўлиши керак. Исломий эътиқодга кўра, бизга берилган умр ниҳоясига етгач, Аллоҳ ҳузурига боришимизга ишонамыз. Макур тилакда у дунёга борганда юзи кулиши учун бу дунёда солиҳ амаллар қилиш ҳам назарда тутилмоқда ҳамда бунда *iki* «икки» рақами ишлатилмоқда. Юқорида келтирган дуоларнинг бир-бирига ўхшашларини қуйида мисол сифатида кўрсатиб ўтамыз. *İki cihanda aziz ol* (L.A.S.635.). – «Икки жаҳонда азиз бўлгин.» *İki cihanda serefrüz olasın* (L.A.S.637.). – «Икки жаҳонда сарафроз бўлгин.» кабилар.

Allah altı dosttan ayırmasın (L.A.S.100). – «Аллоҳ олти дўстдан айирмасин». Бу ўринда жисмимиз учун зарур бўлган тана аъзолари ҳақида сўз бор, аслида инсон учун ҳамма аъзолар муҳим. Ушбу тилакда жисмимиз учун зарур бўлган икки кўз, икки қўл ва икки оёқнинг беками кўст бўлиши айтилмоқда. Зеро киши ўзини ўзи эплаб юриши учун шу аъзолар саломат бўлиши зарур. Бу тилакдаги *altı* «олти» рақами назарда тутган дўстлар инсоннинг шу тана аъзоларидир. *Üçler-Yediler-Kırklar. Kırklar-Yediler-Üçler uğruna fatihat ul kitab.* (Oğuzname. L.A.S. 776). – «Учлар-еттилар-қирқлар ҳақида фотиха, дуо». Бу дуони ўрганиш масаласида кўплаб илмий манбаларни кўриб чиқилди. Шу билан бирга турк

³⁹Ulukan A. Türkiyat Araştırması Enstitüsü Dergisi, 2012. № 48. 180s.

халқи тафаккур тарзидан келиб, чиқиб юқоридаги рақамларни маълум даражада ўрганиш зарурати туғилди.

Тилак ва олқишлар, авваламбор, мифологик ва диний эътиқодга асосланган. Шу нуқтаи назардан, эътиқодлар, маросимлар, кундалик ҳаётнинг турли соҳалари, оғзаки тил, адабий жанрлар ва урф-одатлардаги тилак / олқиш / дуоларнинг барча мисолларида турк маданияти, мифологияси ва эътиқоди, турк халқи фалсафаси / анъанавий дунёқарашлари ва турмуш тарзи акс этади. Ушбу турларнинг мифологик ва теологик келиб чиқиши, шунингдек, ўрганиш давомида тилак ва олқишларни кенгайтиш масштаби барча соҳаларда улардан фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилиши маълум бўлди. Туркий халқлар маросим ва фольклорида рангларнинг ўзига хос рамзий маъноларга эга эканлигини кўриш мумкин.

Турк фольклорида ранглар ижобий ҳамда салбий ҳолатларни ифодалаганини кўп учратиш мумкин. Масалан қора ва оқ ранглар ифодаляйдиган вазиятларга кўплаб мисоллар мавжуд. Туркий халқлар тарихининг шаманлик даврида оқ рангнинг улуғлик, адолат, кучлилиқ маъноларида кенг қўллангани ҳақида маълумотлар учрайди. О.Молчановнинг ёзишича, олтойликларда оқ ранг тўғрилиқ, улуғворлик, шу билан бирга, улуғ тангрининг яратувчанлик ва яхшилиқ кучларини йиғувчиси сифатларини ҳам билдирган. Жанубий Сибирдаги туркий халқларда оқ ранг эпик ва тарихий ном сифатида ҳам учрайди. Туркий халқлар фольклор намуналарида оқ ранг «йигит, эр киши» маъноларида қўлланган. Оқ ранг инсон ҳаётида ижобий ранг сифатида талқин қилинган ўринлар ҳам кўп. Бу ранг эзгулик, поклик, ғалаба, шон-шуҳратни ифодалаган. Умуман, фольклор асарларида «ранглар оппозицияси кўп учрайдиган ҳодиса» бўлганлиги учун алоҳида тадқиқотни талаб этади⁴⁰.

Туркча тилак / олқиш / дуоларда ранглар ҳам ижобий, ҳам салбий баҳода, яъни қарғишлар таркибида қўлланиб келади. Ранг билдирадиган сўзлар бор тилак ҳамда дуоларни семантик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ. Қуйидаги гуруҳда ранглар иштирок этган тилак ва дуолар акс этган.

*Ak divaklar*⁴¹ *takasın* (L.A.S.482). – «Оқ рўмол ўраш насиб қилсин». Бу тилак «Турмуш қуриш насиб қилсин» деган мазмунда айтиладиган тилкалардан бири бўлиб, қизларга нисбатан ишлатилади. Бу ерда «*ak divaklar*» шундай рангли рўмол ёки ёпинчиқ маъноларида келган. Рангнинг бадий талқинига келадиган бўлсак, бу ўринда рамзий маъно касб этган. Масалан: «*ak*» тоза, роҳат ифодаси бўлиб келади. Қиёс учун ўзбек тилидаги оқ ранг билан боғлиқ айрим лексик бирликларни кўриб чиқамиз. Масалан: *оқ фотиҳа* – яхши тилакли йўлланма-розилик, эзгулик, беғаразлик; *оқ юз* – тоза, бенуқсон, поклик, беқиёслик; *оқ қиз* – чиройли, ғуборсизлик, гумондан холилик; *оқ бадан* – гўзал, тоза, беқиёслик, хосиятлилик; *оқ ипак* – тоза, авайланадиган, аяладиган; *оқсоқол* – улуғ ёшли,

⁴⁰ Якуббекова М. М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопозитикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 203.

⁴¹ *divak* – келинлар оқ ёпинчиғи.

кўпни кўрган; оқ сут – пок лукма, энг зарур овқат, эзгулик, яхшилик таоми, авайловчи озуқа, куч берувчи хосиятли емиш каби⁴².

Ellerin yeşil ola (L.A.S.412.). – «Кўлларинг яшил бўлсин». Қўл қачон яшил бўлади? Бу тилак тўйи бўлаётган қиз куёвнинг хонадонига борганда, икки кўлининг кафтига яшил барг қўйилади ва бирининг устига асал, иккинчисининг устига ёғ қўядилар. Бундан мақсад турмуши асалдек ширин ва хонадонда доим ёғ бўлсин, қора қозони қайнаб турсин демакдир. Келин бўлиш насиб қилсин, борган жойингга қут-барака билан боргин, деган маънода қизлар учун бу тилак айтилади. *Allah sana kara kaşlı kara gözlü gelinler versin* (L.A.S.481). – «Аллоҳ сенга қора қошли, қора кўзли келинлар берсин». Ушбу тилакда қора қошли қиз ҳақида сўз бормокда. Қизлар кўриниши жиҳатдан қоши қора, кўзи қора деб таъриф берилганда, унинг тана ранги оқ ёки оппоқ юзли эканлиги тушунилади. Аслида инсоннинг қоши доим қора, аксарият кимсаларнинг кўзлар ҳам қорадир. Қош ва кўз инсоннинг энг гўзал зийнатидир. Қош қалин, тим қора бўлса, оппоқ чехрада яққол кўринади. Тим қора қош ва қора кўз қизлар хуснининг алоҳида белгисидир. Бундай қизлар асрлар оша дostonларда, бадий асарларда йигитларнинг орзусидаги гўзал сифатида тараннум қилиб келинади. Бу тилакда *kara kaşlı* «қора қошли» *kara gözlü* «қора кўзли» бирикмалардаги *kara* сўзи гўзаллик рамзини билдирмокда.

Улардан ташқари изоҳли луғатда 130 дан ортиқ *kara* сўзи билан бошланадиган сўз ва бирикмалар тавсифланган. Улар сирасида ижобий ва салбий баҳо билдирадиганлари ҳам бор.

Mavi gözlü sevdiğim yalanın kadar yaşa (L.A.S.1209). – «Мовий кўзли севгим, ёлғонинг қадар яша». (*Yalan söyleyenlere*) *Yalanın kadar yaşa*. – «(Ёлғон гаприганларга) ёлғонинг қадар яша». Ушбу тилак бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий тилак ҳисобланади. Туркча тилак ва олқишларни лексик-семантик ва лингвопоэтик жиҳатдан ўрганишда кўзга ташланадиган асосий хусусиятлардан бири туркча сўзлар англатадиган рамз ва маънолар ўзбек ва турк халқларида жуда ўхшаш, яқин тушунилиши, бу эса ўзбек ва турк маданиятларининг илдизи бирлигини кўрсатади. Ҳар бир халқнинг яшаш шароити, тарихи, фольклори, адабиёти ва санъатида ўзига хос тизим мавжуд. Тилининг луғат таркибини бойитишга хизмат қилувчи воситалардан бири шевалар бўлганидек, тилак ва олқишларнинг бадийлигини оширувчи омиллардан бири ҳам ранг билан боғлиқ рамзлардир. Оғзаки нутқ маҳсули бўлган ва халқ тилида кўп қўлланувчи тилак / олқиш / дуолар семантик гуруҳларга ажратиб ўрганилганда, ранг билан боғлиқ рамзлар бир халқда ўзига хос талқин қилиниши, айни пайтда, ўхшаш томонлари ҳам кўплиги маълум бўлди. Уларни лингвопоэтик таҳлил усуллари ёрдамида ўрганиш ҳам муҳим натижаларни беради, бадий матн лингвистик таҳлилини янги қарашлар билан бойитади.

⁴²Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли Дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлили): Филол. фан. д-ри....дисс. – Тошент, 2017. – 166 б.

ХУЛОСА

1. Турк тилидаги тилак / олқиш / дуолар турк маданий ҳаётида, унинг энг қадимги даврларидан то ҳозирги кунгача турли жабҳаларда, масалан, турк оғзаки адабиётида кенг тарқалган. Уларнинг мазмуни, лексик таркиби, структур-семантик таҳлили, қўлланилиш мақсади ҳамда хусусиятлари мавзусига кўра ўзига хослиги билан ажралиб туради.

2. Ҳар бир миллатга хос хусусиятлар унинг ҳаёт тарзига сингади ва урф-одатлари, маросимлари, диний эътиқоди, одоб-ахлоқи доирасида такомиллашиб боради. Шу жиҳатдан тилак / олқиш / дуолар турк адабий тилининг кенг ифода имкониятларини намоён қилувчи тил бирликларидир. Уларнинг юзага келишида инсоннинг феъл-атвори, руҳий-маънавий олами, ақли ва хотираси, ижтимоий муносабатлари, бир сўз била айтганда, ҳаёт тарзи асосий омил бўлган.

3. Турк тилидаги тилак / олқиш / дуоларнинг лингвистик моҳиятини аниқлаш, уларнинг бошқа турғун бирикмалар ва умумий тизимидаги ўрнини белгилаш, нутқда қўлланилиш қонуниятларини ўрганиш муҳим натижаларни намоён қилади. Бу бирликларнинг лингвомаданий ҳамда лингвопоэтик хусусиятини тадқиқ этиш орқали турк тилининг прагматик имкониятларини аниқлаш имконини беради.

4. Тилак / олқиш / дуолар ижобий ёки салбий тилак сифатида юзаки баҳоланадиган жанрлар эмас. Қарама-қаршиликлар: яхши ёки ёмон, тўғри ёки нотўғри, фойдали ёки зарарли хабарлар сифатида халқ фалсафасини ифодалайди ва ижтимоий маданиятини намоён қилади. Турли контекстларда улардан фойдаланишнинг мақсади белгиланади. Воқеа, ҳодиса, хатти-ҳаракатларнинг тўғри ёки нотўғрилиги тўғрисида хабар бериш, унинг давомийлигини таъминлаш ёки такрорланишининг олдини олиш, ижтимоий тартиб, ахлоқий қоидалар ва ўлчовларнинг ҳақиқийлигини ошириш, «яхши» ёки «ёмон», «мувофиқ» ёки «мувофиқ бўлмаган», «амалга ошириш мумкин» ёки «амалга ошириш мумкин эмас», «тасдиқлаш» ёки «рад этиш» каби ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятини намоён этади.

5. Тилак / олқиш / дуоларни маълум бир миллатнинг урф-одати, анъаналари ва кундалик ҳаёти билан боғлиқликда ўрганишда уларнинг мазмун-моҳияти – семантикаси муҳим ҳисобланади. Тилак ва дуолар маълум бир маросим билан алоқалантирилганда уларнинг сўз репертуарида ўша маросимга мос бирликлар қўлланади. Ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар учун айтиладиган, тўй-ҳашамларда айтиладиган, табиат ходисалари ва маиший маросимлар билан боғлиқ, аза ва таъзияларда айтиладиган ҳамда диний тушунчалар билан боғлиқ дуоларнинг ҳар бири ўзига хос лексик-семантик репертуарга эга.

6. Турк лингвомаданиятида бола туғилгандан бошлаб вояга етгунча бўлган даврда айтиладиган кўплаб тилак / олқиш / дуолар мавжуд. Бола дунёга келгандан сўнг ота-она учун айтиладиган тилак / олқиш / дуолар мавжуддир. Ота-онани табриклаш учун яқин қариндош ва дўстлар келганда болани дунёга келишига сабабчи бўлган зотларга эзгу тилаклар айтилади. Суннат ва никоҳ тўйларида айтиладиган тилакларнинг семантикаси ва структураси ўзига хослиги билан эътиборга лойиқ.

7. Тилак / олқиш / дуолар матнида намоён бўладиган поэтик ҳодисаларнинг моҳияти, уларнинг ўзаро маъно муносабатларини ўрганиш, лисоний бирликларнинг халқ эстетик тафаккурига таъсирини аниқлашда лингвопоэтик таҳлил усули муҳим аҳамият касб этади. Тилак матнидаги ҳар бир сўз мақсад ва маҳоратга кўра маълум поэтик мавқега эга бўлади. Тилак ва олқишларда чуқур рамзийлик, эмоционал-экспрессивликни ҳосил қилувчи ўзига хос тасвирий воситалар тизимини яхлит ва ички ўзаро мутаносиб муносабатда ўрганишда лингвопоэтик таҳлил қўл келади.

8. Турк тилидаги тилак / олқиш / дуолар матнида синонимлар, антонимлар билан бир қаторда меронимлар, коррелятив бирликлар ҳам эмоционал-экспрессивликни ҳосил қилувчи кучли тасвирий восита сифатида иштирок этади. Синонимик жуфтликда тилдаги фаол бўлмаган ўзлашма сўзларни фаоллаштириш ва таъсирчанликни ошириш мақсадида, антонимлардан кучли контрастликни юзага чиқариш орқали таъсирчанликка эришиш мақсадида кенг фойдаланилади.

9. Турк лингвомаданиятида истифода этиладиган сўзга қараб унинг диний ёки ижтимоий мавқеини белгилашга уриниш кузатилади. Масалан, тонгда ёки оқшом саломлашиш жараёнида *hayırlı sabahlar* (хайрли тонг), *hayırlı akşamlar* (хайрли оқшом) бирикмаларини қўллаган кишининг диний мансубияти олд планга чиқади ёки шундай қабул қилинади. *İyi günler, iyi akşamlar* тилаги эса дунёвий мавқега, замонавийликка мансубликни таъкидлаб туради. Ҳатто бу ҳолат *selamün aleyküm* (ассалому алайкум) ва *merhaba* (марҳабо) сўзларининг ишлатилишида ҳам аниқ англашилади. Диндор кишилар, исломий ҳаётга кўпроқ урғу берадиган оилаларда асосан, *selamün aleyküm* қўлланилади.

10. Турк халқи тафаккур тарзини англашда рақамлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу рақамлар орасида *üç, yedi, kırk* сонлари турк лингвомаданиятида турли маросимлар билан алоқалантирилади. Ёвуз кучлар таъсиридан асраш мақсадида эътиқод ва урф-одатларга кўра, ҳомиланинг пайдо бўлишида, киши дунёдан ўтгандан кейин рақамлар билан боғлиқ маросимлар ўтказилади. Мазкур рақамлар туркларнинг исломдан аввалги эътиқодида ҳам муҳим ўринга эга бўлган. Ислом қабул қилинган даврда эса мазмуний янгиланишларга учраган ҳолда мавжудлигини сақлаб қолган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

АРИПОВ МАХАМАДЖОН ПУЛАТБАЕВИЧ

**ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ И ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
ТУРЕЦКИХ ПОЖЕЛАНИЙ, БЛАГОСЛОВЕНИЙ И ПОХВАЛ**

10.00.05 - Языки и литература народов Азии и Африки

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Fil1437.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tsuos.uz и Информационно-образовательном портале www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Садиков Касимжон Пазирович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Усманова Шаира Рустамовна
доктор филологических наук, профессор

Тилавов Абдумурад Халмуратович
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Институт узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете востоковедения по адресу: 100060, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за №___). Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.

(Протокол реестра рассылки №___ от «___» _____ 2022 года.)

А.М.Маннонов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

Р.А.Алимухамедов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, доцент

Х.З.Алимова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из важнейших и актуальных вопросов в мировой лингвистике является малоизученный с лингвопоэтической точки зрения вопрос лингвопоэтики пожеланий, благословений и похвал, их национально-культурных и структурно-семантических особенностей. В мировой лингвистике XX века проделана большая работа по сравнительному изучению похвал и порицаний (проклятий). Тем не менее, в узбекском языкознании проделанной в этой области работы пока недостаточно.

В мировом языкознании существует потребность в глубоком анализе ряда национальных языков, в частности, турецкого языка, как в парадигматическом, так и синтагматическом плане, в изучении их структурных и семантических моделей как универсального явления. Изучение семантико-структурных, лингвокультурных, лингвопоэтических, лингвоконцептуальных и когнитивно-прагматических особенностей и явления параллелизма в пожеланиях / благословениях / похвалах является одним из приоритетных направлений современной лингвистики.

В настоящее время, на новом этапе происходящих в нашей стране реформ, задача дальнейшего укрепления взаимоотношений с братскими тюркскими народами, поднятие на новый уровень экономического, политического и культурного сотрудничества с турецким народом приобрела статус государственной политики. Свидетельством этому является подписание в рамках официальных визитов Президента Республики Узбекистан в Турецкую Республику в октябре 2017 года и Президента Турецкой Республики в Узбекистан в мае 2018 года целого ряда документов, обеспечивающих расширение совместных проектов в области науки, техники и образования¹. И в этом отношении изучение лингвопоэтики приобретает ведущее положение в узбекской тюркологии. На сегодняшний день в области современной тюркологии успешно осуществлен ряд научных исследований. Тем не менее, существующие исследования не затрагивали такие проблемы, как возникновение пожеланий / благословений / похвал, их семантический анализ и особенности лингвопоэтики.

Данное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Постановлением № ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», Постановлением № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», Постановлением № ПП-4680 от 16 апреля 2020 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров и повышению научного потенциала в области востоковедения», а также других нормативно-правовых документов, касающихся упомянутой области.

¹Ўзбекистон – Туркия: Буюк тарих бунёд этган икки улۇف халк. «Халк сўзи» газетаси, 2018 йил 27 апрель.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-нравственному развитию информационного общества и демократического государства и пути их осуществления».

Степень изученности проблемы. В мировой лингвистике освещены функции пожеланий, похвал и благословений в культуре и национальном менталитете разных народов². Кроме того, во многих книгах есть главы, посвященные пожеланиям и похвалам. Некоторые из них в общих чертах описывают особенности пожеланий и похвал. Ряд зарубежных исследователей подчеркивают необходимость определения прагматической функции пожеланий и похвал в культуре общества³.

Докторская диссертация И.Сукулкиной⁴, магистерская диссертация Ф.Вудса⁵, посвященные, в основном, пожеланиям и похвалам, содержат в себе результаты изысканий относительно антропологических, социологических и психологических особенностей желаний и похвал. Кроме того, информация и примеры пожеланий и похвал содержатся во многих энциклопедиях и словарях.

Зарубежные исследования по пожеланиям, благословениям и похвалам, в основном, представляют собой исследования, относящиеся к области религиоведения, которые дают общие сведения о религиозной сущности, социологических и психологических особенностях пожеланий / благословений / похвал⁶.

Исследования на турецком языке относительно пожеланий, благословений и похвал проводились преимущественно исследователями в области языка, литературы, культуры и истории. Эти исследования можно разделить на исследования, проводимые в Турции и за рубежом. Они представляют собой общую библиографию, отражающую предыдущие исследования по этому вопросу.

Непосредственно исследования, касающиеся вопросов лингвопоэтики пожеланий / благословений / похвал, не проводились в научных центрах Турции. В то время как часть доступной литературы представлена только в виде текстовых сборников, другие содержат другие классификации в дополнение к структуре текста. Исходя из тематики существующих исследований, их можно разделить на две группы:

²Hocking, Paul (1989). *Counsel from the ancients. A study of Badaga proverbs, prayers, omens and curses*. Berlin: Mouton de Gruyter. Watson, Lindsay (1991). *Arae. The curse poetry of antiquity*. Leeds: Francis Cairns. Gager, John G. (1999). *Curse tablets and binding spells from the ancient world*. New York-Oxford: Oxford University Press.

³Colum, Padraic (Ed.). (1954). *A treasury of Irish folklore*. New York: Crown Publishers.

⁴Sukulkina, Irina (2013). *Blessing and curse in the Old Testament: Socio-cultural aspect (Yayımlanmamış master tezi)*. Lviv: Ukrainian Catholic University, Faculty of Philosophy and Theology.

⁵Woods, Julian F. (1983). *The phenomenon of book and curse in the Mahabharata (Yayımlanmamış master tezi)*. McGill University, Montreal.

⁶Gevirtz, Stanley (1959). *Curse motifs in the Old Testament and in the ancient Near East (Yayımlanmamış doktora tezi)*. University of Chicago Department of Oriental Languages and Civilization, Illinois. Brichto, H. Chanan (1963). *The problem of «curse» in the Hebrew Bible*. Philadelphia: Society of Biblical Literature and Exegesis. Little, Lester K. (1993). *Benedictine maledictions: Liturgical cursing in Romanesque France*. Ithaca-London: Cornell University Press. Bitel, Lisa M. (2000). *Saints and angry neighbors: The politics of cursing in Irish hagiography*. S. Farmer & B. H. Rosenwein (Eds). *Monks & Nuns, saints & Outcasts. Religion in Medieval society. Essays in honor of Lester K. Little içinde* (ss. 123-150). Ithaca-London: Cornell University Press. Aitken, J. K. (2007). *The semantics of blessing and cursing in ancient Hebrew*. Louvain: Peters. Kitz, A. Marie (2014). *Cursed are you! The phenomenology of cursing in cuneiform and Hebrew texts*. Indiana: Eisenbrauns.

1. Исследование М.Огуз, М.Агир и Ш.Чакир «Похвалы, проклятия и колыбельные», в котором собраны похвалы, проклятия и колыбельные, активно употребляемые в устной речи жителей Чорумского района Турции⁷. В работе Х.Эрсойлу изучаются похвалы, выделяется роль похвал и проклятий в турецкой устной культуре, а также приводится их словарь. Работа отличается приведенными в скобках комментариями и пояснениями к похвалам и проклятиям⁸.

